



КАТТА НОГОРА ВА БАЙРОК АТО ЭТИШ ТУЗУГИ

Амр килдимкц, ўн икки катта амирларнинг хар бирига битта байрок (алам) ва бир ногора берилсин, Амир ул-умарога байрок ва ногора, тумон туги ва чортуг(Байрокнинг икки хили ёки амирларнинг даражасини билдирувчи учи ўткир найза) такдим этсинлар.

Мингбошига эса бир туг ва карнай (нафир) береинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта ногора (табал) берсинлар. Аймоқдарнинг амирларига бўлса, биттадан бургу такдим этсинлар. Тўрт бегларбеганинг хар бирига биттадан байрок, ногора, чортуг ва бургу берсинлар.

[Ўн икки] амирдан кайси бири душман фавжини синдирса ёки ганим кўли остидаги бирор мамлакатни фатх этса уни такдирлаб, агар биринчи [даражали] амир бўлса, иккинчи [даражали], иккинчи бўлса, учинчи [даража.ии], учинчи бўлса, тўртинчи [даражали] амир мартабасини берсинлар. Шу тартибда ўн биринчи [даражали] амиргача давом эттирсинлар. Агар ўн биринчи [даражали] амир бўлса, уни ўн иккинчи [даражали] амир килиб, байрок, туг ва ногора берсинлар. Шу йўсинда биринчи [даражали] амирга битта туг, иккинчисига — иккита, учинчисига — учта, тўртинчисига — тўртта туг ва ногора бериб, уларни тумонтуг ва чортуг олиш мартабасига етказиб рағбатлантирсинлар.

СЮВДХНИНГ ЯРОК-ЖАБДУКЛАРИ ВА АНЖОМ-ЖИХОЗЛАРИ ТУЗУГИ

Шундай буйрук бердимки, юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир (хайма) олсин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садок ўкдон (таркаш), бир килич, арра, бигаз, бир коп (жувол), жуволдўз, болта, ўнта игна ва оркага осиладиган чарм халта (чарм пўшт) олсин.

Баходирлардан ҳар беш киши бир чодир олсин. Ҳар бири битта оддий темир совут (жавшан)¹, дубулга (хўди), бир килич, садок — ўкдон, камон ва бешта от олсин.

Ўнбошилардан ҳар бири ўзи билан бирга бир чодир, зирих, килич, садок — ўкдон, камон ва бешта от олсин.

Юзбошилардан ҳар бири бир чодир, ўнта от, курол-аслаҳадан — килич, садок — ўкдон, камон, гурзи, чўкмор, коскан, зирих, багтар олсин.

Мингбошилардан ҳар бири ўзи билан бирга битта чодир, бир соябон, курол-аслаҳадан — жавшан, дубулга, найза, килич, садок-ўкдон ва ўк-ёйдан кўтарганича олсин.

Биринчи амир бир чодир, бир ўтов, бир жуфт соябон, курол-аслаҳадан шу микдорда олсинларки, кўл остидагиларга ҳам бергудек бўлсин. Шунга ўхшаш иккинчи, учинчи, тўртинчи амирдан тартиб то амир ул-умарогача; ҳар кайсилари, ўз мартабаларига яраша чодирдан, ўтовдан, отлардан бошлаб, то бошқа ҳарбий анжомларгача саранжом-саришта килиб қўйсинлар. Биринчи амир бир юз ўн от, иккинчи амир бир юз йигирма, учинчи амир бир юз ўттиз, тўртинчи амир бир юз қирк от, амир ул-умарога етгунча тартиб шундай бўлсин. У эса ўзи билан бирга уч юздан кам от олмасин.

Пиёдалар бўлса ҳар бири ўзи билан бирга бир килич, бир камон ва кўтарганларича ўк-ёйдан олсинлар. Бирок жанг пайтида тузукларда кўрсатилганидан кам бўлмасин,

УРУШ ВА ТИНЧЛИК [ВАҚТИДА] СОКЧИЛИК КИЛИШ ВА МАЖЛИС-ЙИГИНЛАРДА ХОЗИР БЎЛИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, сипоҳилар; амирлар, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларига кулоҳсиз (бош кийимсиз, этиксиз, сармузасиз, бўрк ёкалик чакмонсиз, бўкда; киличсиз ҳозир бўлмасинлар. Ўн икки минг килич осган аскар урушу тинчлик вақтида бутун ярок-аслаҳалари билан қўшқда, девонхонанинг ўнг ва сўл тарафидан, орқасидан ва олдидан куршаб турсинлар. Шу тартибда ҳар кеча улардан минг киши сокчилик қилиш учун ҳозир бўлишсин. Ҳар юз киличли устига бир юзбоши қўйилсин ва унга шартлашилган махфий сўзни айтсинлар;;

Яна. амр қилдимки, уруш пайтида ўн икки амирдан ҳар бири, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўн икки минг куролланган отлик сипоки билан бир кеча-кундуз давомида ҳар кайсилари ўз хонларини кўриклаш учун ҳозир бўлсинлар. Бу ўн икки минг отлик лашкарни тўрт фавжга бўлиб, бир фавжини баронгорга, бошқасини жавонгорга, биттасини ўрдунинг олдига, бошқасини эса ўрдунинг орқа тарафқга тайинласинлар. Ушбу фавжлар навбатма-навбат ўрдудан ярим фарсанг узоклашиб сокчилик қилсинлар.

Ушбу тўрт сипохий фавж ўзлари учун хировул белгиласинлар, хировулдан эса коровуллар тайинлансин. Улар бўлса эҳтиёткорлик ва хушёрликни кўлдан бермай, ўрдуга хабар етказиб турсинлар.

Яна ҳукм килдим, атрофимда жойлашган лашкар ва ўрдуга, ҳар бирида [алохида] биттадан кутвол тайинласинлар ва ўрдуни кўриклаш, сокчилик кшшш ишлари шулар устига юклансин, бозор ахлидан солиқ олиш ҳам шулар зйммасида бўлсин. Агар ўрду ахлидан бирон кймсанинг нарсаси ўгирланса, улар жавобгарликка тортилсинлар.

[Кўшин орасидан] тўрт фавж чопкунчилар тайинлашни буюрдим. Булар тўрт фарсанг масофада лашкар ёнида юриб, уларни кўриклаб борсин. Бордию лашкардан бирон киши ўлдирилганини ёки яраланганини кўрсалар, унинг ишини ўз зиммаларига олишла-ри лозим. Агар бирон кимсанинг нарсаси ўгирланса улар жавобгар бўлсин.

Яна буюрдимки, лашкарнинг учдан бир қисми сарҳадларни кўриклаш ишига белгилансин; [учдан] икки қисми эса доим салтанат хизматиға ҳозир бўлиб турсин.